

ҲАНИФА СОЛИҲОВА

Муродим

ШЕЪРЛАР

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1977.

Солиҳова Ҳанифа,
Муродим. Шеърлар. Т., Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1977.
64 б.

Уйғур шоираси Ҳанифа Солиҳованинг ўзбек тилида ilk бор
нашр этилаётган бу тўпламига пок ва самимий меҳр билан
йўғрилган Ватан, бахт, шодлик ва муҳаббат мавзuidaги
шеърлари киритилди.

С (уйғ.)
Салихова Ҳанифа. Мечта. Силми.

С 70403—117
352(06)—77 81—77

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1977 й.

ЎЗБЕКИСТОН

Салом, Ўзбекистон, эй доврўқли шарқ,
Қучоғингга келдим қўлим кўксимда.
Уйгур халқин сенга меҳри урар барқ
Менинг юрагимда, менинг ҳиссимда.

Мушфиқ онам билан Олтишаҳардан
Сенга талпинганча келганим ёдда.
Ўз қизингдай олдим баҳорингдан ранг
Ва бахтимни топдим меҳнат, ижодда.

Сенга мафтун бўлдим дил чўғим билан,
Ҳамза жонин фидо айлаган диёр.
Келдим мен, жарангдор қўшиғим билан
Ҳамиду Гафурлар руҳи мададкор.

Сенсан жаҳоншумул шоирлар юрти,
Шеърий анжуманлар даврасига ол.
Ёздим мен юрагим неки буюрди,
Созимга, эй диёр, бирдам қулоқ сол!

Баҳорки, андаза олса ҳуснингдан,
Нега қолмай сенинг фарзандинг бўлиб.
Ўзбекистон, рози бўлма қизингдан,
Сенга бахш этмаса умрини тўлиқ!

ТИРИКМАНКИ, СИЗНИ КУЙЛАЙМАН

Бахтиёрман, эй азиз тупроқ,
Раҳнамосан ўзинг, партиям.
Шунинг учун овозим янгроқ,
Ленингадир шеърим, мадҳиям.

Ленин берган нажоткор йўлда
Бахтин топган уйғур қизиман.
Ифтихорим тошиб кўнгилда,
Жаҳон бўйлаб мағрур кезаман.

Ҳа, Лениннинг даҳо, қудрати
Ҳар миллатни қилди бахтиёр.
Инсон учун Совет давлати
Бўлди доим таянч, мададкор.

Бу тупроқнинг чўлу даштида
Кўрмоқдаман гул ва табассум.
Ҳар қадамда қувонч, нашида,
Ҳар курашда иқбол мужассам.

Миннатдорлик сўзимни тингланг,
Ленин ота, Сизгадир таъзим.
Номингиз-ла шеърим сержаранг,
Мангу янграб қолар овозим,
Тирикманки, Сизни куйлайман!

ҚУВОНЧ

Болам яйрар, ўсар бағримда,
Мен Ватаннинг қучоғида шод.
Оналигим, фарзандлигимда
Акс этади шу бахтли ҳаёт.
Бахтли фарзанд, бахтли онаман,
Шу тақдирдан шодман умрбод.
Уфқларга парвоз қиламан,
Ватан, фарзанд—менга қўш қанот.

А Н О Р

Шарбатларинг тилни ёрар, жононим, анор,
Ёқутдайсан, дона-дона маржоним, анор.
Пиёламга шарбат эмас, тўлғаздинг шароб,
Юракларга қувват берган дармоним, анор.

Жонон қизлар ёноғидай кулибсан, анор,
Шафақлардай қизил нурга тўлибсан, анор.
Дастурхонда саховатинг қилиб намойиш
Юрагингни қоқ иккига бўлибсан, анор!

Л А Й Л А К

Уғлим қўлидаги оппоқ қоғоздан
Бирпасда ясайди бир кўркам лайлак.
Лайлакки, завқ олар учиш, парвоздан,
Кўкни ёриб учар, тик қучар фалак.

Уғлим орзуси бу—менинг қудратим,
Бўронни, булутни ёриб ўрганган.
Осмони фалакда менинг журъатим,
Уғлим лайлагида қанот ёзар шаън.

Шўх-шўх орзуларга тўлганча дили
Оппоқ лайлагини учирар ўғлим.
Ишонаман, унинг баланддир қўли,
Қуёшни заминга туширар ўғлим!

ҲАЁТ ВА ҲАЁЛ

Аёлман, ҳовлида кечса кунларим
Супуриш, тозалаш билан банд бўлиб,
Нолимам ҳаётдан мен четда қолиб,
Хаёлим жаҳонни кезиб чиқар жим.

Бирпасда оламни банд этиб ўйга
Тоғ-тошлар қўйнида кўргум ўзимни.
Улайман юракда ёнган ҳиссимни
Яйловда чўпон қиз чалган куйига.

Шаршаранинг суви алғов-далғов, зўр,
Ҳаётим ўхшаса дейман тўлқинга.
Бир ёниб, бир ўчган нимжон учқунда
Бўлмагай, албатта, бир ҳаётий қўр.

Хаёлдан гоҳ денгиз ичра шўнғигум,
Урмон орасида пайдо бўлиб гоҳ,
Гиламдай ўтлоққа ташлагум нигоҳ,
Тутиб қолар қулун каби шўхлигим.

Аммо, энг муҳими, одамлар қалби
Оҳанрабо каби тортар ўзига.

Дейман ҳар ватандош ёниқ кўксига
Шеърим билан кирсам хушилҳом каби.

Ҳовлида ё ишда қайноқдир куним,
Дилимга хуш келур шундоқ бахт, тақдир.
Хаёл бор, ҳаётда танҳолик йўқдир,
Тўлқин, ҳаяжонга омихта умрим.

ДЕҲҚОН БУЛМАСАМ-ДА...

Мен деҳқон эмасман аслида,
Деҳқонлар бағрида туғилдим.
Туғилдим энг гўзал фаслда,
Баҳорда гулларга кўмилдим.

Оламни таниган кунимдан
Ҳис этдим қишлоқнинг ҳидини.
Севаман, севаман жонимдан
Ҳар битта ниҳолнинг қаддини.

Деҳқондан ўрганиб дунёни,
Яхшию ёмонни танидим.
Эъзозлаб тупроқни, диёрни
Ниш олди кундан-кун ижодим.

Инсонни қадрлаб азалдан
Деҳқонлар ичида улғайдим.
Ватан деб аталган ғазалдан
Куч олиб, қанотни кенг ёйдим.

Деҳқоннинг измида ижодим,
Шеърларим шу сабаб парвозда.
Деҳқонча соддадир бисотим,
Муҳтожмас ҳеч қандай пардозга.

Н О Н

Тандирда ловиллаб ёнади олов,
Онам нон ёпади иссиқ, бўрсилдоқ.
Четда ётар бошин чўғ олган косов,
Ўтин чарс-чурс қилиб қўяди гоҳ-гоҳ.

Иссиқ нон ҳидлари тарқар ҳар томон,
Дастурхонга қўйсам патир ушатиб,
Бир бурдаси берар танимга дармон,
Яйрайман бир тишлам иссиқ нон тотиб.

Иссиқ нон таъмидан ҳарорат тўла,
Онамнинг меҳрини ҳис этгим доим.
Бола ҳамма ёшда экан-да бола,
Қўлимда нон, шуни мен ўйлайман жим.

Ё М Ғ И Р

Ёмғир, ёмғир қуяр далада, боғда,
Осмон тўкиб солар инжуларини.
Маржон-маржон бўлиб турар япроқда,
Ҳар томчи
Уйғотар туйғуларимни.

Балоғатга етган ниҳоллар, қаранг,
Яйраб-яйраб ювар кокилларини.
Майсалар борлиққа улашгудай ранг,
Яшнар тўлдириб сув соҳилларни.

Далалар ва боғлар чўмилиб сувда
Янги келинчакдай қилар табассум.
Ёмғирдан кейинги дамлар осуда,
Ортар юрагимда илҳом, ҳавасим.

Дилимдан тарқайди ғубор ва туман,
Ювиб ўтди уни ёмғир тўлқини.
Ёмғирдан кейинги бир гулшансимон
Ечилади одамлар қалбин тугуни.

ҲАЁТ ҒУЗАЛ

Ҳаёт ғузал, ғузалдир умр,
Мен ҳаётдан нолимайман, йўқ.
Инсон яшаб асрма-аср
Эта борар ҳаётни қутлуғ.

Ҳаётнинг бор аччиқ-чучуги,
Доимо у кечмайди равон.
Қолмас яшамоққа ўчлигим,
Ҳар қадамим бир зинасимон.

Этай, дея, умримни ғузал,
Яна янгроқ таралсин, деб куй.
Яшагум ва курашгум жадал,
Шунда тирик қолгумдир боқий.

ЮРТ МЕҲРИ

Кўча бўйлаб хушнуд бораман,
Чор атрофдан узолмайман кўз.
Шаҳримда бир файз кўраман,
Янги жилва, янги бир нуфуз.

Саҳар пайти шудринг ювган,
Қуёш акси тушган асфальтда
Шод, хушчақчақ одим ташлайман,
Кўтаргандай мени юрт кафтда.

Кенг кўчада гавжум одамлар,
Ҳаммасида ҳар хил ўй, тилак.
Лекин бари бир хил қадамлар
Ёрқин бўлсин, дея келажак.

Чехрасида гулнинг нози бор,
Ҳуз дугонам борар—шаҳло кўз.
Файратига олам келиб тор,
Ёрим ўтар қадами гурс-гурс.

Таниш менга ҳамшаҳарларим,
Исмларин билмайман гарчанд.
Бари менинг ҳешим, жигарим,
Меҳнат, ишда пайвандман, пайванд!

Ҳамма ёқда ҳаёт нашъаси,
Тўрт фаслда баҳорий тўлқин.
Яхшилиқнинг, бахтнинг нафаси
Уфуради бир оташ, ёлқин.

Ғазалимга мен ҳам оловни
Шу оташдан олганлигим рост.
Бир чеккада ёлғиз қолайми
Турганида шунча қардош, дўст?

Қардошлиқни куйлайман ёниб,
Сатрларим шун-чун ёлқинли.
Ҳали қанча-қанча дostonим
Улуғлагай юртим, халқимни.

ҚУЁШ САРИ

Уғлим олов,
Уғлим шўх, дўмбоқ,
Узи тўлган энди бир ёшга.
«Олиб бергин!»—дейдию қувноқ.
Қўлчасини чўзар қуёшга.

Қани энди уча олсаю
Сахий офтоб томон олса йўл.
Қуёш нурын зина қилсаю
Шуълалар-ла борса қўлма-қўл.

Кўтараман боламни бошга,
Дейман: сени бахт қучсин мудом.
Давр ўғлисан,
Ойга, қуёшга
Сен, албатта, қўюрсан қадам.

ШЕЪРЛАРИМ

Кураш майдонида бир жангчи бўлиб
Ботирлар сафига кириш, шеърларим.
Элнинг зафарига хабарчи бўлиб,
Улуғланг деҳқоннинг манглай терларин.

Ер қаъридан маъдан қазган шахтёрнинг
Билагига мадор бўлинг, шеърларим.
Сизда қалби уриб турсин шаҳарнинг,
Улуғлай билинг сиз мартен қўрларин.

Ракеталар кўкда қиларкан парвоз,
Сизлар пастда қолиб кетманг, шеърларим.
Эл шонини куйланг тўлиқ, бепардоз,
Улуғланг Ватаннинг фазогирларин.

Денгизлар қаъридан тинмағур ғоввос,
Топиб чиқар экан гавҳар, жавоҳир.
Шеърларим, бир четда қолмангиз бесас,
Изланишда бўлсин ҳар бир сатр шеър!

Дўстлик ва қардошлик замонидир бу,
Дўстларнинг кўнглидан ғамни аритинг.
Шеърларим, бўлингиз содда ва сулув,
Бир қизил чўғ каби дилни ёритинг.

ГУЗАЛ ЭДИ БУ ОҚШОМ

Диёр, сенга шеър битмоқ бўлиб
Суздим илҳом денгизида шўх.
Ойдин кеча нашъали, ажиб,
Қувончимнинг чегараси йўқ.

Юлдуз қизлар қувлашиб ўйнар
Ой нурида чайиб юзини.
Мана, ошиқ юлдузлар кулар
Умид билан қисиб кўзини.

Ҳовлимдаги гулу ғунчалар
Ёғдуга фарқ, товланар минг хил.
Гул ҳидини шамол таратар,
Юзни силар—қўли гўё гул.

Барглар гўё кумуш тангалар,
Уйғоқ ҳозир мендай табиат.
Мажнунтоллар маъюс соч тарар
Оқшомга бахш этиб нафосат.

Ариқларда ўйноқлайди сув,
Томчилари марварид, маржон.
Оҳ, бу оқшом дилрабо, сулув,
Йўғрилгандай шуълага жаҳон.

Чертилганда нозик дил куйи
Қалбимда ишқ ёлқини жўшар.
Такрорланмас оқшом чиройи
Илҳомимга юз илҳом қўшар.

«Бундай оқшом қайтарми ҳаргиз?»
Термиламан бу кенг оламга.
Қани айтинг, қай йигит, қай қиз
Сир тўкмаган бундай оқшомга?

ОЛТИН БУҒДОЙ

Уфқларга ўмров керган қишлоқ бўйлаб
Машинада гиз-гиз учиб бормоқдаман.
Азиз диёр муҳаббатин дилга жойлаб,
Унинг ҳадсиз бойлигини кўрмоқдаман.

Олтин буғдой далаларга қулоч ёйган,
Дон хирмони кун нуридай тўлқинланар.
Деҳқон турар, у ҳам юзин нурга чайган,
Мўл ҳосилнинг баланд тоғи ёлқинланар.

Олтин кузнинг баракаси, довруғидан
Улкамизнинг қадди яна бўлар мағрур.
Деҳқон жиндай баҳра топса қўшиғимдан
Қалам учи олтин дондай ёлқинланур!

АРЧА БАҢРАМИ

Болаларға

Уйымда баҳор меҳмон,
Уртада яшил арча.
Наргиза кулар шодон,
Уйинчоғи бор анча.

Қўлидаги қўғирчоқ
Боқар кўз суза-суза.
Қўғирчоқми хушчақчақ
Ёки қизим Наргиза?

Арчадаги юлдузча
Бахтимиздай чарақлар,
Новдадаги гулғунча —
Митти-митти чироқлар.

Қорбобо-чи, ҳазилкаш,
Селкилладиб соқолин
Ашула бошлар дилкаш,
Наргиза дер: —Кеб қолинг!

Шўх-шўх рақс бошлаймиз,
Тойчоқ, айиқполвонлар,
Қани, ҳай, бўшашмангиз
Шалпанг қулоқ қуёнлар!

ДУГОНАЖОН

Дугонажон, юр, дугонажон,
Адирлардан терайлик лола.
Юракларда қолмасин армон,
Юраклардан арисин нола.

Улкамизга сеп ёйди кўклам,
Базмимизда сайроқи қушлар.
Бугун, ахир, уйғонди олам,
Янги қувонч, янги ташвишлар.

Бизни чорлаб мунтазир гуллар
Бош силкийди, қара, қирғоқда.
Ишқи пинҳон, ўзи хўп дилбар —
Дугонажон, қолмайлик доғда.

Қани, кетдик булоқ бошига,
Пояндоздир бизга майсазор.
Бугун қалбда ажиб нашида,
Бугун ҳар бир юракда баҳор.

Қ И Ш Л О Қ

Не-не замонлару хонлар ўтмади,
Не-не ноҳақ қонлар сувдай оқмади,
Минг бошилар ўтди қамчисида қон,
Отнинг туёғида топталди инсон. —
Барин кўрди қишлоқ ўз тарихида,
Бўлди фақат қолоқ ўз тарихида.
Октябрнинг бонги янграгач баланд,
Бу қишлоқ ҳам кулди музаффар, хурсанд.
Уроқ-болғаликлар сафига кирди,
Қуёш нималигин илк марта кўрди.

Ҳа, шундан бошланди тарихи, умри,
Ватанга уланди унинг томири.
Қизларин ёноғи гул-лола бўлди,
Шодликлари тошқин шалола бўлди.
Очилди ҳазина—булоқ кўзлари,
Чаманга айланди қақроқ бўзлари,
Бугун гул ундирар ҳаттоки тошда,
Ватанга ҳамнафас меҳнат, курашда.
Шаҳар билан чирой талашар энди,
Қишлоққи, мақтасанг ярашар энди!

ҚИШ КҰРКИ

Далада, қирларда, боғ-роғларда қиш,
Қалбларда эҳтирос, қалбларда офтоб.
Одам ўзин енгил сезар—худди қуш,
Осмой тиниқ, гўё бир томчи симоб.

Шимол қизларининг олпоқ жамолин,
Кўргандай бўламан шу момик қорда.
Дарахтларнинг эгик нозик ниҳоли,
Гўзаллик жилваси шу тиниқ қорда.

Атрофга қарайман, қарайман тўймай,
Табиат ўралган олпоқ шойига.
Нигоҳимни тортар кўярда-қўймай,
Шеърим, чирой қўшгил қиш чиройига.

МУРОДИМ

Менга на ёру на ишқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур.

(«Фарҳод ва Ширин»дан)

Мени ою қуёш, юлдузга қиёс
Этасану мақтаб қоласан бирдан.
Гоҳо фаришта деб қиласан эъзоз,
Севсанг нисбатимни излагил ердан.

Меҳнаткаш бир қизман, камтарин, содда,
Фазилат излагил инсонлигимдан.
Мендай гўзаллар кўп гулгун ҳаётда,
Севсанг, сўз очмагил «жонон»лигимдан.

Мен Ширин айтгандай, одам бўлсам бас,
Шудир эътиқодим, ҳавас, матлабим.
Яшайман дўстларга, элга ҳамнафас,
Мақтасанг, Инсон, деб мени мақтагил!

ИЗЛАР

Буюксиз, мағрурсиз, гердайган тоғлар,
Қоянгиз ранг олмиш қуёш тафтидан.
Чўққида оппоқ қор нигоҳим боғлар,
Илҳом оламан тоғ салобатидан.

Чаманлардан сизга боқдим маҳлиё,
Ўзим пастдаману тоғда кўзларим.
Қаршингизда ожиз эмасман, зеро
Елкангизда қолган менинг изларим...

АЁЛ БАХТИ

Тарих саҳифасин варақлаб кўрсанг
Аёлни кўрмайсан бахтдийда, хурсанд.
Чор девору ўчоқ боши—бир макон,
Ундан нарёгига чиқмабди аёл.
Хуқуқ—хаёлдан ҳам хаёлий экан,
Бахтнинг эса қўли боғлиқ, тили лол.
Октябрнинг эзгу машъаласида
Дунёга янгидан келдик, яралдик.
Юртнинг ҳал қилувчи масаласида
Иштирок этдик биз, яшаб-яйрадик.
Қанот бўлдик меҳнат, курашда доим,
Қанотки, қайрилмас, учағон, туйғун.
Коммунизм наслига бизлар муаллим,
Қўлимизда ҳалдир не жумбоқ, тугун.
Инженермиз, қилни қирқ жойдан ёриб
Мўъжиза очамиз корхоналарда.
Жаҳон лол қолади, даврага кириб
Рақс этсак байраму шодиёналарда.
Терешкова Валя чексиз фазога
Етказди аёлнинг қутлуғ қадамин.
Биз чек қўйсак, ажаб эмас, қазога,
Биз билан барҳаёт бу кўҳна замин.

А Л Л А

Ҳамма ёқ жим, ҳар ёқ уйқуда,
Далалар ҳам, боғлар ҳам жимжит.
Ой шуъласин тўкар осуда,
Юлдузлар ҳам живирлар милт-милт.

Аллалайман ўғлимни танҳо,
Тойчоғимга ором тилайман.
Беланчаги устида гоҳо
Кечаларни тонгга улайман.

Шундай бедор тунлар бағрида
Юрагимдан бир нидо чиқар:
Кенг жаҳоннинг ҳамма ёғида
Алла, алла билан ҳар сафар

Ииртилсаю сукут пардаси,
Унутилса уруш шарпаси...

О Н А Ж О Н

Онажон, оламми дебман бағрингни,
Юрагингда олам меҳри жо-бажо.
Оқ сочларинг оппоқ тонгнинг нурими,
Ҳар бир нигоҳингда бир меҳригиё.

Қуёш тонгда салом берар онамга,
Онамнинг чеҳраси энг гуягун чеҳра.
У ҳаёт бердики вужуд—танамга,
Океанлар меҳримдан фақат бир қатра.

Она, десам, тупроқ олтин кўринар,
Юлдузлар живирлар кўзим ўнгида.
Она, десам, тун ҳам ёрқин кўринар,
Ғолибман бўронлар, музлар жангида.

Яшил арча каби қалбинг навқирон,
Фарзанд бахти—сенинг бахтинг ҳамиша.
Сен борсан, завқ олдим баҳор завқидап,
Утдим гулзорлардан гулзорлар оша.

Қора кўзларингнинг оташи ёнди
Қизингни эркдийда, бахтиёр кўриб.
Сен сабаб, шодликка, иқболга қондим,
Сенга бағишлайман ёш қалбим қўрин.

Давр онасисан, давр қизиман,
Иккимиз замоннинг суюк дилбанди.
Ақл бердинг, сенинг тилинг, сўзингман,
Шу-чун мен Ватаннинг лойиқ фарзанди!

Онажон, оламми, дебман бағрингни,
Юрагингда олам меҳри жо-бажо.
Оқ сочларинг оппоқ тонгнинг нурими,
Ҳар бир нигоҳингда бир меҳригиё.

Ч А Қ М О Қ

Осмоннинг қаъридан гуриллаб садо —
Чақмоқ чақиб ўтди, нур топди ҳуқуқ.
Булутоллар тўзиди пода ва пода,
Чақмоқ чақиб ўтди отилгандай ўқ.

Чақмоққа кўз тикиб турдим мен узоқ,
Уйларим тўзғиди булутолларсимон.
Чақмоқнинг умри-ку бирпаслик, бироқ
Ларзаси юракда уйғотар тугён.

Чақмоқдек чақнасин ижодинг, шоир,
Лаҳзалик бўлмасин шеър умри, аммо.
Ёнмаганлар қандай яшаркан ахир,
Ҳаёт ҳаётмикин бенур, безиё.

ДИЁР ВА ШЕЪР

Диёрим меҳрига қоришиқ шеърим,
Оташ мисраларга ўралсин илҳом.
Ватан хизматига бахшида умрим,
У менга қисматдир, у менга ором.

Дарёга талпинган бир ирмоқ мисол
Ҳаяжонда куйлаб, талпинаман шод.
Олтин тож чўққига тикилганда лол.
Бағримда гўёки ўсар қўш қанот.

Юртим, шеърий парвоз учун сен сабаб,
Диёр билан шеърдан айри тушмам ҳеч.
Ҳатто офтобда нур қолса ҳам тугаб,
Тугамагай меҳрим, саодат, севинчи!

ҚОЗОҒИСТОН

Саломим қабул эт, Қозоғистоним,
Қариндошинг — уйғур қизи айтар сўз.
Жонингга туташдир менинг бу жоним,
Асли тарихимиз туташ, изма-из.

Бобомнинг айтгани эсимда ҳамон,
Илининг сувини бирга тотганмиз.
Дарёнинг кокилин силаб шўх, шодон
Тўлқиндан тўлқинга қулоч отганмиз.

Баҳорнинг нафаси боғларимизни
Туташтириб ўтган азалдан-азал.
Абай мафтун этган қадимдан бизни,
Уйғур юрагига жодир ҳар ўлан, ғазал.

Булоқдек шарқироқ қишлоқ, шаҳаринг,
Қайноқ бир ошёнсан, Қозоғистоним.
Менинг зафаримдир ҳар бир зафаринг,
Мадҳингга бахшида шеърим, достоним!

ЯЙЛОВ ҚИЗИ

Юрагимнинг қатидасан, яйлов қизи,
Меҳмон бўлиб борганимда меҳрим олдинг.
Тўрт фаслда баҳор экан кўнглинг ўзи,
Гул экансан, хаёлимда гулдай қолдинг.

Қора қундуз сочларингда сочбоғинг бор,
Юлдуз—қизлар боқар кўкдан сени мақтаб.
Юзларингга ой нур сочиб нурин чайқар,
Еноғингдан ўт олади кўкда офтоб.

Кўзларинг-чи, қайнаб турган тиниқ булоқ,
Узун-узун киприкларинг ўқ ёй отар.
Сенинг дилбар овозингга солиб қулоқ,
Булбуллар ҳам шайдо бўлиб таҳсин айтар.

От ўйнатиб кенг яйловга чиқсанг тонгда,
Шамол қувиб етолмас ҳеч, доғда қолар.
Сакрашади қўзичоқлар минг оҳангда,
Юрагингга юртинг меҳри нашъа солар.

Шунинг учун чарчамайсан меҳнат қилиб,
Яшамайсан меҳнатингни миннат қилиб,
Бер қўлингни, яйлов қизи—қариндошим,
Сенга бўлсин қалбим шеъри, меҳр, оташим!
Юрагимнинг қатидасан, яйлов қизи!

ФАРИШТА БУЛМОЌНИНГ ШАРҒИ

Фариштани қадимдан
Дерлар: «Худо элчиси».
Аммо кўринмас ҳамон,
Асрларнинг қанчаси —
Утса ҳамки орадан?
Не сир, қани фаришта?
Сўраб қайга бораман,
Еш ишда, қари ишда,
Қаердайкин фаришта?
«Фаришталик хонадон»,
Дейди гоҳо донолар,
Бу гапда борми гумон,
Ё борми сир, маънолар?
«Фаришта», дерларми ё
Одамнинг кўҳлигини?
Ҳеч қандай қусур, хато,
Нуқсони йўқлигини?
Уйлаб, излаб охири
Бу жумбоқни этдим ҳал:
Яралган вақтдан бери
Олам эмас мукаммал.
Олам фаришанди инсон
Эмас ёкан бенуқсон.
Аммо одам ичида

Фаришталар кўп экан.
Улар ҳаёт мавжида
Битта эмас, тўп экан.
Нозик кўнгил—худди қил,
Кўнгил кўнгилга ришта.
Бир бўлса Тил билан Дил,
Яраларкан фаришга!

ИИРОҚДАГИ ДУСТЛАРГА

Юртимнинг қанотлик, учқур шамоли,
Овозимни етказ йироқ дўстларга.
Етиб борсин менинг юрак саломим
Денгизлар наҳрига, сарҳад, постларга.

Яйраб-яйраб яшаб, курашмоқдаман,
Қардошларга менинг томирим туташ.
Юртим мадҳин куйлаб йўл ошмоқдаман,
Юракда эл меҳри, шеъримда оташ.

Менинг ўтли товшим етсин жаранглаб
Нилнинг бўйларига, Ефратгача ҳам.
Мазлум Шарқ қизлари, сиз мени тинглаб
Қолмагайсиз, дейман, лоқайд, хотиржам.

Мен ҳам шарқлик, бир вақт ҳуқуқсиз бўлиб
Сизлар каби бўлган эдим мазлума.
Бугун юлдузларга етай дер қўлим,
Билмайман энди мен қайғу-ғам нима.

Чаманларда кезсам, сувга шўнғисам
Қўлимга чиқади бахт, омад нуқул.

Саҳроларга бошлаб бераман кўклам,
Кўкда юздузману бўстонларда гул.

Бу жаннат водийда яшаркан хушҳол,
Унутганим йўқ ҳеч дўст-жигаримни.
Эй учағон элчи, эй дастёр шамол,
Қардошларга етказ оташ шеъримни!

ТОРИМ

Азим дарё, уйғоқ дарё, эй азиз дарё,
Уйғур халқин меҳри сенда, эй ҳазин Торим.
Сени эслаб йироқлардан боққум маҳлиё,
Эслаганда тандан кетгай, дейди, мадорим.
Она шахрим, Қашқаримнинг сенсан эркаси,
Эсингдами, соҳилинга яйраб кезганим.
Салқин берди ўрмонларнинг яшил кўлкаси,
Ёдимдадир қирғоғингдан чечак узганим.
Уйғурларнинг кўз ёшлари сени тўлатган,
Сувларингда бўлган бир вақт қонга рангдошлик.
Халқим жами тўсиқларни мағрур қулатган,
Авлодлардан авлодларга ўтган бардошлик.
Торим, она тилинг, уйғур сўзларинг билан
Ҳамоҳангсан қўшиқларим, дostonларимга.
Тўлқин уриб чалган дилбар созларинг билан
Кўтарасан мени шеъринг осмонларига.
О, бир чоғлар, она дарё, Торим дарёси,
Тўлқинингни қиз сочидай ўрганим эсда.
Гул юбордим, қизгинангнинг бу бир совғаси,
Қайноқ меҳринг яшар ҳамон юракда, ҳисда.
Ол, бу гулдан бўйларингда кўкарсин боғлар,
Ўзбек халқи салом йўллар шу гул қатида.
Бошларини яна мағрур кўтарсин тоғлар,
Халқим камол топсин дўстлик садоқатида!

ЯНГИ ЙИЛ ҚУТЛОВИ

Янги йил келмоқда жаҳонни бўйлаб,
Шодлик тўлқинлари тошар қирғоқдан.
Арча турар яшил офтобга ўхшаб,
Қалбим тўхтамайди ҳеч ҳаприқмоқдан.

Тўкин бу ўлкада қувонч ҳам тўкин,
Кенглик, фаровонлик юртга ярашиқ.
Ҳар йилим, ҳар ёшим ўтмоқда эркин,
Бу элнинг кўзида менман қорачиқ.

Замонам, ўргилсам арзигудай соз,
Ишчими, деҳқонми—одам арзанда.
Бахт бердики Ленин—раҳнамо, устоз,
Баҳр олдим мен—уйғур халқин фарзанди.

Дўстларимга қучоқ очиб бораман,
Қутлайман умрбод саодат тилаб.
Уйғур ашуласин куйлаб бераман,
Хумордир дўстларим хумор куй тинглаб.

Бағри кенг Ватанда ҳамма миллат тенг,
Бир чаманнинг турфа гуллари мисол.
Шу сабаб йил сайин ишлар келар ўнг,
Янги йил келтирар янги бахт, камол!

ХАЙР, ҚАШҚАР

Оғир сукут ҳукмрон бу дам,
Кечмоқдадир лаҳзалар оғир.
Изтиробда вужудим, танам,
Она юртдан кетаяпман, ахир,

Киндик қоним тўкилган тупроқ
Қолмоқдадир ҳозир орқада.
Болалигим ўтганди қувноқ
Шу жонажон, она ўлкада.

Йигирмадан ошганда ёшим
Қучоқлади муҳаббат илк бор.
Энди эса, сал эгиб бошим
Кетаяпман сендан, эй диёр,

Ҳамюртларим кузатар мени,
Меҳри булоқ азиз дугонам.
Унутмайман ҳамон мен сени,
Кипригингга қалққан эди нам.

Автобуслар қатор турнадай,
Кетаяпмиз қўшни ватанга.
Ҳар айрилиқ қалбни тирнагай
Ором бермай оромсиз танга.

Хайқираман хайрлашган чоқ:
—Хуш қол, Қашқар, эй она юртим!
Қолди баҳрим очган у гулбоғ,
Тупроғингни кўзимга суртдим...

Қолиб кетди мен кўз очган уй,
Мен тўполон қилган кўчалар.
Менга ҳамроҳ фақат қўшиқ, куй,
Куйлагайман кундуз-кечалар.

Қокиллари эшилган Торим
Қолди ҳазин-ҳазин буралиб.
Отахонлар—тоғлар боқди жим
Оқ кўрпага—қорга ўралиб.

Юрагимда айрилиқ, фироқ,
Кўзларимдан қалқир маржон ёш.
Кетмоқдаман юртимдан йироқ,
Навниҳолдай ерга эгиб бош.

Икки соат ўтди, чамаси,
Етиб келдик чегарага ҳам.
Яқин экан юртлар ораси,
Кўрсатдилар дўстлар эҳтиром.

Бу Ватанда кулди эркимиз,
Уйғур халқи топди эътибор.
Шу туфайли ошди меҳримиз,
Яшаймиз аҳил ва ҳамкор.

Туз тотдик ва дўстлашдик боқий,
Қўшиғимиз доим жўровоз.
Советларнинг ҳур иттифоқи
Мадад берди бизга бегараз.

Унутмадик сени ҳам, Қашқар,
Бўлдик соғинчдийда, хумори.
Жонимизда соф ишқинг яшар,
Бўйнимизда меҳринг тумори.

• БАҲОР КУЛГУСИ

Оҳ, сендан бошланур дилдағи армон,
Дилрабо, десам оз, сени, гулбаҳор.
Юракларим сендан олгуси дармон,
Чеҳрамда кулгусан, қўлимда дутор.

Япроққа қўнасан гоҳ шабнам бўлиб,
Гунчанинг лабидан ўпиб кетасан.
Қиприклари олтин қуёшдай кулиб
Қиз сочиға баргак тақиб ўтасан.

Сувлари шилдираб оққан ариқнинг
Лабида ялпизсан, о, хушбўй баҳор.
Азиз ҳамроҳисан ошиқ-маъшуқнинг,
Сен сабаб, юракнинг сирлари ошкор.

Йигитнинг қўлида қизил лоласан,
Ишқ элчиси бўлиб ўтасан қизга.
Ўз ишингга ўзинг ҳайрон қоласан,
Чўғ бўлиб кирасан юракка, ҳисга.

Ҳамма фаслларда шодонман, аммо
Баҳорда бўлакча хандон ураман.
Яшил жамолингга бўлиб маҳлиё
Қоғозмас, барг узра қалам сураман.

ХАЁЛЛАРИМ

Хаёлни ё, ё хаёлга мен парвонаман,
Оҳ, қалбимни асир этган қандай сирли куч?
Бир гўзалнинг дилбандига мен девонаман,
Бор, хаёлим, бор, ошиқнинг соф қалбини қуч.

Йўқ, хаёллар, чегарамдан нари ўтмайсиз,
Жиловимни ололмайсиз асло қўлимдан.
Хаёлларим, гарчи ширин, гарчи ўтдайсиз,
Буролмаймиз вафо машъал бўлган йўлимдан.

Шамолларга юз тутаман—яшайман нотинч,
Хаёлларим, бир умрга йўлдошсиз содиқ.
Хаёлларим, армон бўлинг, бўлманг ҳеч ўкинч,
Тақдир бўлинг, аммо бўлманг сира тасодиқ.

НАЙ НАВОСИ

Най навоси нозик, ингичкадир, оҳ,
Томир-томиримни илтиб оқар.
Эриб кетай дейман оҳанг ичра гоҳ,
Гоҳ қўшиқ бағримни гулхандай ёқар.

Шеърим, назокатни ўргангил найдан,
Сехрлашни ўрган қўшиқ, достоним.
Шунча мўъжизани най олган қайдан,
Акс этар қуйида орзум, армоним.

Ҳисларимни бир-бир суғурар наво,
Ҳузур ҳам изтироб унда қоришиқ.
Билсам, йигит ишқин унга этмиш жо,
Найга қалбин очмиш ўртанган ошиқ.

ТҮРТҚУЛОҚ

Ёлғиз ўлтирардим булоқ қошида,
Лекин бу чашма бахш этмасди ором.
Сенинг хаёлинг чарх урар бошимда,
Севгим, севгилимсиз татимас олам.
Ногоҳ кўзим тушди тўртқулоқ ўтга,
Қувончдан энтикди вужудимда жон.
Дарҳол қўл чўздиму уздим оҳиста,
Кўксимга қададим бахт рамзисимон.
Шундай гапирарди қизлар ичида:
«Ким топса гар бу бахт нишонасини,
Толеи бир умр бўлар авжида,
Бир умр бахт силар пешонасини».
Булоқ ҳам бир зумда жилвага тўлди,
Кўксимда яшнади ноёб тўртқулоқ.
Шўх бир дугонамдай қиқирлаб кулди
Мендай содда қиздан ўйноқи булоқ...

ИШҚИНГДА

Келдим баҳорингнинг васлини қўмсаб,
Диёринг тупроғин ўпдим меҳр ила.
Ишқинг юрагимда ғалаён қўзғаб,
Келдим ҳузурингга бу олтин палла.

Жамолингда кўрдим ўлканг жамолин,
Сен гуллатган боғлар нақадар кўркем.
Далаларга боқдим хаёлга толиб,
Бургутсифат экан бунда қизлар ҳам.

Тонгда уфқлардан жилмайиб қуёш
Шуълага ўради мени келиндай.
Оқшомлари завқ-ла сайр этсам яккаш
Ҳисларимга ошно бўлди тўлин ой.

Мардонам, диёринг менга хўп ёқди,
Қуёшингдан тўйиб-тўйиб нур олай.
Севгим элчи бўлиб эшигинг қоқди,
Бўстонингда битта гул бўлиб қолай.

ҲАЙРОН БУЛМА

Табнат ясанмиш бир келинсимон,
Япроқлар шивирлаб нозланар ҳамон.
Нурли тонг юзини ўпади еллар,
Уй-фикрим учади, эй ёр, сен томон.

Юрагимда ҳислар оловланади,
Вужудим нафасинг билан ёнади.
Қоматинг кўзларим ўнгида ҳамон,
Ғазалим ишқингда жилоланади.

Сен эса ноз билан қилма карашма,
Меҳрим, муҳаббатим тугалмас чашма.
Вафо, бахт олдида бунча бўлдинг лол,
Ишқ гарди сурмами кўзга ё қошга?

ЖОНИМ, ЖОНИМДАН

Термиламан, тўймайман асло,
Сени севиб қолган онимдан.
Сен кўзгамас, сен юракка жо,
Сени севдим, жоним, жонимдан.

Шубҳаларнинг илдизини янчиб
Сен ҳам қувон, ўртанган ошиқ.
Юрагимни мен сенга очиб
Куйлаб ўтай бир умр қўшиқ.

ФОНТАН ОЛДИДА

Гуллар япроғига қўнади оқшом,
Навойи боғида—шаҳар қалбида.
Семурғ эртагин бошлаган айём, —
Мен шайдо турибман фонтан олдида.

Кумуш ранг маржонлар бир-бир сочилар,
Ой шуъласи ўйнар чинор баргида.
Осмондан юлдузлар гўё томчилар,
Мен шайдо турибман фонтан олдида.

Шўхлик қилганида сувнинг тўлқини,
Чимчиб ўтганида ипак шаббода,
Босолмасдан қалбда қувонч ёлқинин
Мен шайдо турибман фонтан олдида.

Табиат табассум қилар хушмақом,
Дилгинамни хушнуд этмоқ дардида
Парилар узатар май тўла бир жом,
Мен шайдо турибман фонтан олдида.

Нур ҳоким, нур ҳоким, фақат ҳоким нур.
Кўнгиллар тумани эрийди бунда.
Ҳар оқшом келаман, топаман ҳузур,
Ҳа, шайдо тураман фонтан олдида.

ХИСЛАРИМ

Мен суқланиб қарайман, жим, осмон тўла юлдузга,
Бир иштиёқ тортқилайди безовта ўйларимни.
Ёруғликлар инар аста бу ўйчан кўзларимга,
Оппоқ тонг ҳам ёритадур умиду йўлларимни.

Шодлигимга шерик бўлар ушбу кўҳна табиат,
Муаттар бир ҳид таратиб силайди мени еллар.
Нигоҳимдан очилар гул япроқлари қатма-қат,
Еир яшиллик касб этар она тупроқ—далалар.

Олтин қуёш шуъласидин пирпирайди кўзларим,
Қулоч ёяр гул ўлкамда нурга тўлган туйғулар.
Ва мен уни яёв кезиб тугамайди изларим,
Қирмиз уфқ қучоғида юргандай кўнглим тўлар.

Дунёнинг-ку чеки бўлар ва лекин ҳадсиз хаёл,
Ҳадсиз хаёл каби менинг ушбу нотинч ўйларим.
Само бўйлаб парвоз қилган ул оппоқ қушлар мисол
Хаёлотнинг осмонига интилар билмай тиним,

МАНЗИЛЛАР

Олис йўллар ва ҳадсиз йўллар
Огушига тортарди мени.
Йилни қувиб ўтарди йиллар,
Манзиллар ҳам кутарди мени.

Ойлаб эмас, ҳаттоки йиллаб
Юрдим ва лек кўринмас чеки.
Хаёлимни оларди боғлаб
Осмоннинг-да ёришмай чеги.

Ўткинчийкан, эҳ, у йўлимда,
Кўз олдимда ўзга бир манзил.
Юрагимни тутиб қўлимда
Одимлайман мен бугун дадил.

Тафаккурдай чексиздир орзум,
Уфқларга бошлайди илҳом.
Оламдай кенг, мунаввар ўйим
Этажакман халқимга инъом.

Йўл, манзилнинг чеки йўқ экан,
Орзудайин чексиз экан у.
Ижодкор бу муқаддас йўлдан
Машаққат-ла ўтаркан мангу!

РАНЖИМАЙМАН

Учмагандай кулбамда чироқ
Умрим сўнмас, сўнмагай асло.
Йўлларимни ёритиб порлоқ,
Тақдир менга айтгай тасанно.

Мен ҳаётни севаман дилдан,
Юз ўгирмам ундан умрбод.
Шайдолигим ортмоқда чиндан,
Қуёшдан ер бўлгандай обод.

Нурга тўлиқ турмуш-иқболим,
Куним ўтар қайғудан йироқ.
Гоҳида шод, гоҳида ғамгин
Умрим сенга бахшида ҳар чоқ.

ОРЗУЛАРИМ ОЛАМЧА

Олам гўзаллиги дилимга ором,
Юрагим бу кун ҳам дилдордир, соқий.
Яратиш ишқи-ла яшайман мудом,
Шунинг-чун бу умрим сўлмайди—боқий.

Роҳат-фароғатда ўтмак-чун бир кун
Қанча ташвишларни енгмаклик керак.
Денгизлар ортида жаранглар бир ун,
Орзуси қуёшни эммоқдир бешак.

Ҳаётни севамиз, ҳаёт бизни ҳам,
Кунларнинг қадрига етмайлик нечун?!
Лек доим турмушнинг бир тарафи кам
Яшаймиз биз уни тўлдирмак учун.

Орзу қаютида яшайди инсон,
Бугунни тўлдирса эртаси кемтик.
Эртани тўлдириш курашдин нишон,
Шу кураш умиди тутади тетик.

Муз қотган тоғлару асов дарёни
Бўйсундирар инсон ўзин йўлига,
Елкада кўтариб кўҳна дунёни,
Тўлдирар муаттар ислар бўйига.

Нуроний бир рангда товланар олам
Инсонлар рангидан олиб парвозни,
Яшашни биламиз, дилда йўқ алам,
Кунма-кун юксакка қилиб парвозни.

Ҳар бир туп гиёҳнинг устида деҳқон
Қанча машаққатга беради бардош,
Ўз ташвиши билан туғилгай инсон,
Шу ташвиш умрини айлайди одош.

Мен ҳам бир умидни кўнглимга туғиб
Илҳом дулдулига миндим ҳавасда.
Кечалар қоғозга юрагим тўкиб,
Мисралар тузаман гафлатга қасдда.

Ва янги битилган ашъорим билан
Субҳидам қуёшни кугаман ёниб.
Минг турли ташвишу минг илҳом ила
Яна тун қўйнига кетаман иниб.

Тинмайин кезиб мен шонли ўлкамни,
Унинг чиройига тўймайман асло.
Қурбим етганича қамраб дунёни
Назм бўстонида бўламан пайдо.

ИЗЛАЙМАН

Қайдасан, умидим, орзу—чирогим,
Излайман мен сени ёниб оташда.
Қайдасан, юрагим, суянган тоғим,
Излайман мен сени буюк бардош-ла.
Қайдасан, юрагим, орзу-тилагим.

Изларинг излайман тоғли сўқмоқдан
Кўзимга тўтиё қилмоқлик учун.
Йўлингга кўз тикиб узоқ-узоқдан,
Висолга шошилар интизор қалбим.
Қайдасан, юрагим, орзу-тилагим.

Излайман ям-яшил қиру тоғлардан,
Ишқни ардоқловчи қора кўзлигим.
Излайман атиргул очилган боғдан,
Муҳаббат назмида оташ сўзлигим.
Қайдасан, юрагим, орзу-тилагим.

Излайман зангори мавжли денгиздан,
Тўфонлар тубига келар шўнғигим.
Тўлқин суюб ўтган олтин қирғоқдан
Интизор йўлингга кўз тутар кўнглим.
Қайдасан, юрагим, орзу-тилагим.

БОЛАЛИКНИ ЭСЛАВ

Содда ва қудратли буюк бир халқнинг
Фарзанди эканим энди ҳис этдим.
Ва мен киндик қоним тўкилган ернинг
Умидли эртасин тушуниб етдим.

Болалик ўйларим тутқич бермас ҳеч,
Олиб кетар мени узоқ-узоққа.
Ёшлигим кечган, ҳей азиз диёрим,
Юрибман бу кун мен сендан йироқда.

Хаёлан эслайман ўтмиш кунимни,
Гўдаклик пайтимни эслатар қизим.
Шамчироқ ислари босган тунимни
Эслатар бу кунги нур тўла изим.

Ҳар оним бахтларга тўлиқдир бу кун,
Ёшлик йилларимга ачинар дилим.
Шўхликни билмасдим, чиқмасди уним—
Туғилган замони бўғилган эдим.

Тезроқ ўссин, дея қора сочимни
Кесардим ҳар куни тутиб учидан.
Тўпикдан киярдим бўз кўйлагимни,
Кўринмай қолардим ўзим ичда.

Уқирдик қуръонни бунда қирқ қиз
Илму ҳикматларни ўқиш дардида.
Билмасдик ҳадисда қандай маъно, сир,
Турардик қоп-қора зулмат илгида.

Юзимда паранжи, бошимда чопон—
Қуёш нурларига тўймасди дилим.
Тутқунлик дастидан рангим заъфарон,
Ростни ёлғон дерди бу ширин тилим.

Ешлигим сарғайди зулмат ичида,
Мен каби қизларнинг шу эди умри.
Бугун-чи, фарзандим қуёш тафтида
Совет граждани—даврим ғурури!

Бугуннинг қадрига етмаклик учун
Утмишни бир бора эсламак ҳақдир.
Бу гўзал ҳаётда умрлар гулгун,
Бунда ҳар инсонга кулмоқда тақдир.

К У Т И Ш...

У кутди чаманлар яшнаган чоғда,
У кутди хазонлар ўйнаган боғда.
У кутди термилиб сўнгсиз йўлларга,
У кутди йилларни улаб йилларга...
У кутди, тик қараб ғамга, қайғуга,
Йиғлади соғиниб, тўлиб ва тўлиб,
Аскарнинг беваси қолди мангуга
Сабр, садоқатнинг тимсоли бўлиб..

Ишларим чала, деб қайтмайман йўлдан,
 Манзиллардан олга кетмоқлик бурчим.
 Серқадр вақтни бермайман қўлдан,
 Ҳар ишга қодирдир билакда кучим.

Дунёга, балки кўрк янги вазифа,
 Қолган иш қўшилмас орзу-тилакка.
 Ҳар лаҳза оламга улашай тухфа,
 Бисёр орзуларни жойлаб юракка.

Янги иш амалга ошгани асно,
 Бошқаси кўзимга чала кўринур.
 Чала, деб манзилдан қолмасман аммо,
 Ортимга қайтмагум токим бир умр!

МУНДАРИЖА

Юсуф Шомансур таржималари

| | |
|-----------------------------|----|
| Ўзбекистон | 3 |
| Тирикманки, сизни куйлайман | 4 |
| Қувонч | 5 |
| Анор | 6 |
| Лайлак | 7 |
| Ҳаёт ва ҳаёл | 8 |
| Деҳқон бўлмасам-да | 10 |
| Нон | 11 |
| Ёмғир | 12 |
| Ҳаёт гўзал | 13 |
| Юрт меҳри | 14 |
| Куйиш сари | 16 |
| Шеърларим | 17 |
| Гўзал эди бу оқшом | 18 |
| Олтин бугдой | 20 |
| Арча байрами | 21 |
| Дугонажон | 22 |
| Қишлоқ | 23 |
| Қиш кўрки | 24 |
| Муродим | 25 |
| Излар | 26 |
| Аёл бахти | 27 |
| Алла | 28 |
| Онажон | 29 |
| Чақмоқ | 31 |
| Диёр ва шеър | 32 |
| Козоғистон | 33 |
| Яйлов қизи | 34 |
| Фаришта бўлмоқнинг шарти | 35 |
| Йироқдаги дўстларга | 37 |

| | |
|-----------------|----|
| Торим | 39 |
| Янги йил қўғови | 40 |
| Хайр, Қашқар | 41 |
| Баҳор кулгуси | 44 |
| Хаёлларим | 45 |
| Най навоси | 46 |
| Тўртқулоқ | 47 |
| Ишқингда | 48 |
| Ҳайрон бўлма | 49 |
| Жоним, жонимдан | 50 |
| Фонтан олдида | 51 |

Исмоил Маҳмуд таржималари

| | |
|------------------|----|
| Ҳисларим | 52 |
| Манзиллар | 53 |
| Ранжмайман | 54 |
| Орзуларим оламча | 55 |
| Излайман | 57 |
| Болаликни эслаб | 58 |

Азим Суюн таржималари

| | |
|---------------------------------------|----|
| Қутиш | 60 |
| «Ишларим чала деб қайтмайман йўлдан». | 61 |

На узбекском языке

ХАНИФА САЛИХОВА

МЕЧТА

Стихи

*Перевод с издания «Сойгу сирлари», изд. «Жазини»
Алма-Ата—1971*

Редактор Ш. Раҳмон

Расм Т. Саъдуллаев

Расмлар редактори А. Бобров

Техн. редактор У. Қим

Қорректор М. Қудратова

ИБ № 240

Босмахонага берилди 24|I-77 й. Босишга рухсат этилди 21|IV-77 й. Формати 60x90. 1|32. Босма л. 2.0. Шартли босма л. 2.0. Нашр л. 1.46. Тиражи 10000. Р 09513. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 210—76.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонасида № 1 қўғозга босилди. Бекобод шаҳри. 1977 йил. Заказ № 104. Баҳоси 18 т.